

УДК: 633.11:631.3

**ИСТИҚБОЛЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИДАГИ СУҒОРИШ
ТАРТИБЛАРИНИНГ ТУПРОҚНИ АГРОФИЗИК ХОССАЛАРИГА
ТАЪСИРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18264245>

Абдалова Г.Н., Шымбергенова Г.Ж.

Тошкент давлат аграр университети, доцент

*Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институти, ассистенти*

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” маърузасида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш хажмларини янада ошириш ҳамда уларнинг турларини янада купайтириш ва шу асосда халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондиришга, халқ хўжалигини хом ашё билан таъминлашга қаратилган.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ислохатлари ва динамикаси таҳлиллари мамлакат аграр секторининг деарли барча тармоқларида, жумладан, қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини оширишда жиддий силжишлар мавжудлигини кўрсатади. ЎзЛиДеП ҳамда Экоҳаракатнинг фикрича, қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ қилиш, ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий асосларини яратиш бўйича туб чора-тадбирларни амалга ошириш қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга эришиш имконини берувчи асосий омил ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

-дала тажрибаларида тупроқнинг агрокимёвий хоссалари яъни умумий гумус миқдори, азот, фосфор ва калий, нитратли, ҳаракатчан фосфор, алмашинувчи калий миқдорлари аниқланади;

-тажриба даласи тупроғининг агрофизикавий ва сув физик хоссаларидан тупроқнинг ҳажм оғирлиги амал даври бошида ва охирида аниқланади;

-экишдан олдин ва мавсум охирида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, тупроқнинг дала нам сифими аниқланади;

-хар бир сүғоришдан олдин ва кейин түпроқ намлиги аниқланади;

-суғоришга кетган сув сарфи ҳар бир суғориш тартиблари бўйича ҳисоб қилинади;

-даланинг сув мувозанати ҳисоб китоб қилинади;

-ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил-тўплаши бўйича фенологик кузатувлар тажрибани барча вариантлари ва қайтариқларида ҳисоб қаторлари бўйича олиб борилади;

-ғўзани гуллашга ва кўсакларни очилиш фазаларига кириш динамикаси ҳар бир суғориш тартиблари бўйича ўрганилади;

Тадқиқот объекти – бу эскидан суғориб деҳқончилик қилинадиган типик бўз тупроқлар шароитида ҳамда ўрта толали ғўзани районлаштирилган “Бухоро-102” ва истиқболли “Наврўз” нави парвариши агротадбирлар тизими ҳисобланади.

Ишнинг илмий янгилиги - Тошкент вилоятининг эскидан суғорилиб келинаётган, сизот сувлари сатҳи чуқур жойлашган типик бўз тупроқлари шароитида илк бор ғўзанинг районлаштирилган “Бухоро-102” ва истиқболли Наврўз навларини сув истеъмоли ҳамда мақбул суғориш тартиблари ҳамда минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрлари ўрганилмоқда.

Тадқиқотлардан кутилаётган натижалар: Типик бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг районлаштирилган “Бухоро-102” ва истиқболли Наврўз навларини суғориш олди тупроқ намлиги (ЧДНС) га нисбатан мақбул тартиблари ва сув истеъмоли ўрганилади ва мазкур навдан юқори ва сифатли пахта ҳосили олишни муҳим агротадбирларини ишлаб чиқиш бўйича дастлабки натижалар олиш кўзда тутилган.

Тажриба далаларида тупроқ ҳажм оғирлиги баҳорда ҳайдов 0-30 см қатламида ўртача 1,31 г/см³, 0-70, 0-100 см қатламларда эса 1,36-1,38 г/см³ бўлди. Мавсум охирида бироз ортганлиги кузатилди. Амал даври охирида ўтказилган таҳлилларнинг кўрсатишича 0-30 см қатламда 65-65-60 % да суғорилган вариантларда тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0,02 г/см³ га, 70-70-65 % тартибда суғорилган вариантларда 0,03 г/см³ га, 75-75-60% тартибда суғорилган вариантда 0,04 г/см³ га ошганлиги кузатилди. 0-100 см қатламда эса ҳар суғориш тартибида тегишлича 0,02-0,04 г/см³ га ошганлиги кузатилди. Олиб борилган уч йиллик тадқиқот ишларининг таҳлили натижасида шу нарса маълум бўлдики, ҳар йили ўтказилган агротехник тадбирлар натижасида мавсум охирида ҳажм оғирлигининг бироз ортганлиги кузатилди.

1--жадвал

Тажриба даласи тупроғининг ҳажм оғирлиги , гр/см³

Тупроқ қатлами, см	Амал даври бош	Амал даври охирида		
		65-65-65%	70-70-65%	75-75-

	ида			65%
0-10	1,31	1,33	1,34	1,35
10-20	1,33	1,33	1,35	1,38
20-30	1,34	1,36	1,36	1,38
30-40	1,36	1,37	1,38	1,39
40-50	1,39	1,40	1,41	1,41
50-60	1,40	1,41	1,43	1,44
60-70	1,41	1,43	1,44	1,45
70-80	1,43	1,45	1,46	1,47
80-90	1,42	1,46	1,47	1,48
90-100	1,42	1,46	1,47	1,47
Ўртача:				
0-70	1,36	1,38	1,39	1,41
0-100	1,38	1,40	1,41	1,42





**Тажриба даласи тупроғининг хажм оғирлигини аниқлаш (1,2-расм).
ХУЛОСА**

Эскидан суғорилиб келинаётган, типик бўз тупроқлар шароитида ўрта толали районлаштирилган “Бухоро-102” ва истикболли “Наврўз” ғўза навларининг сув истеъмоли ҳамда мақбул суғориш тартибларини ишлаб чиқиш ва пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида жорий этишдан иборатдир.

АННОТАЦИЯ

Тошкент вилоятининг сизот сувлари сатҳи чуқур жойлашган типик бўз тупроқлари шароитида ғўзани ўрта толали Бухоро-102 ва Наврўз навларидан юқори пахта ҳосили олиш учун суғоришни ЧДНС га нисбатан 70-70-60% тартиба мавсум давомида 1-3-1 тизимда 5 марта гектарига 4685 м³ меъёрда суғориш ва ғўзани шоналашгача тупроқ намлигининг ҳисобий қатлами 70 см, гуллаш ҳосил тўплашда 100 см ҳамда пишиш даврида эса 70 см қилиб белгилаш мақбул ҳисобланади.

ANNOTATION

Jo irrigate cotton types as “Bukhara 102” and Navruz” which were planted in the virgin land of Tashkent region which has deep ground wafer table in order to get high quality harvest according to ChDNS as 70-70-60% watering 5 times in the system 1-3-1 which is consist 4685 м³ water limit and until the thorn buds layer of

the soil should be 70 sm. During the blooming 100 sm and in riping period the layer of the soil should be 70 sm.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2009.
2. Авлиёкулов А.Э. Ингичка толали ғўзанинг суғориш тартибини ўрганиш ва ишлаб чиқиш. Республика ёш олимлар ва сув хўжалиги мутахассислари илмий-техникавий анжумани маърузаларининг қисқача матнлари. Тошкент, 1973, 21-23 бет.
3. Ражабов Т. ва Фозилов Б. Суғоришлар ва ғўза навлари ҳосилдорлиги //Тупрок унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари: Халқаро илмий- амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. 2.Т. –Тошкент, 2007. - Б. 28-30.
4. Ҳасанов М., Қодиров Э. Тошкент вилояти типик бўз тупроқларида ғўзанинг истиқболли “Наврўз” навини парваришlash агроадбирлари //Фермер хўжаликларида пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари: Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. –Тошкент, 2006. - Б. 435-436.